

Амир Темур —
халқимиз даҳосининг
тимсоли, маънавий
қудратимиз
рамзидир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 7-aprel, shanba № 28 (8469)

9-aprel – Amir Temur tavallud topgan kun



Мустақиллик миллатимизнигина эмас, балки Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур каби халқимизнинг асл фарзандларини ҳам рўёбга чиқарди. Бугун улар ҳақидаги тарихий асарлар нашр қилинмоқда, бадиий асарлар яратилмоқда. Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворихи Муиний" асари шулардан бирidir.

Амир Темур замондоши Натанзий ўз асарини Соҳибқирон ҳаёти ва курашларига оид энг муҳим, энг ишончли манбаларданidir. Асарда жуда қадимчи даврлардан то Амир Темур вафотигача бир қанча ўлкаларда юз берган муҳим тарихий воқеалар қисқача баён қилинади. Кўп ҳолларда муаррих ҳар бир сулола тарихига алоҳида боб бағишлаган. "Мунтахаб ут-таворихи Муиний"нинг, айниқса, сўнгги қисмлари Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қисмларда Амир Темур яшаган ва ҳукмронлик қилган даврда юз берган тарихий воқеалар бирмунча муфассал баён этилган. Чунки ушбу давр тарихини муаллиф ўзи тўплаган материаллар асосида ёзган. Амир Темур замонасидаги воқеалар Натанзийга яхши маълум бўлган; у сарой солномаларидан фойда-

ланиш, машхур тарихий воқеаларнинг ҳали ҳаёт бўлган иштирокчиларидан ўзига керакли маълумотларни сўраб-суриштириб олиш имкониятига эга бўлган. Асарнинг баъзи ўринларида шохидлардан эшитиб ёзганига муаллифнинг ўзи ишора этади.

Муаррих Амир Темур давлати тарихини ҳақон тарихининг узвий қисми, балки унинг гултожи сифатида ёритади. Бу жиҳатдан "Мунтахаб ут-таворихи Муиний" соҳибқирон фаолияти тўла қамраб олишга ҳаракат қилинган умумий тарих типидagi асарлар орасида ёзилган, вақтига кўра, биринчисидир.

"Мунтахаб ут-таворихи Муиний" асарини таъби назми бор тарихчи олим, тарихий қисса ва ҳикоялар муаллифи Фулом Каримий ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Биз бугун ушбу асарнинг "Ҳазрат Султон Соҳибқирон табақаси: унинг тартиби, аҳволи ва хислатлари ҳақида хабарлар" бобини қисқартириб эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

9-бетга қаранг

Barkamol avlod — yurt kelajagi

ЁШЛАРНИНГ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ

мамлакат тараққиёти кафолати

Қайси юртда руҳи, қалбида Ватан туйғуси баланд инсонлар яшаса, ана шу юрт, албатта, обод, эртаси ёруғ ва буюк бўлади, дейишади. Болалигидаёқ бу туйғуни ўзига сингдирган ва олдига улкан мақсадларни қўйган Тошкент кимё-технология институти доценти, кимё фанлари номзоди Музаффар Муродов мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ қатъий тартиб-интизомга ўрганди. Музаффар Чилонзор туманидаги 270-мактабда барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиди, айниқса, кимё олами уни ўзига махлиё айлади-қўйди. Сабаби, устози, кимё

фани ўқитувчиси Зарифа Солиева Музаффардаги иқтидорни пайқаб, унга кимё фани сир-синаотларини чуқур ўргатар, «Кимё — келтирар дунё», «Излансанг — олам ўзгаради» ибораларини айтиб, фикрларини амалиётда, лаборатория машгулотларида исботлаб кўрсатарди. Устозининг ишончи, ҳаётий фикрларидан таъсирланган зукко ўқувчи мактабда таълим олаётган пайтиёқ қатъий ният қилди: «Келажакда шу соҳа бўйича етук мутахассис бўламан!».

(Давоми 7-бетда.)



ЧОРАК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2012 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралардаги ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижалари ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

GAZETANI
VARAQAGANDASIZ

ЮҚОРИ СИНФДА ЎҚИШ ҚИЙИНМИ?

Ёшда 5-синф ўқувчилари билан ишлашда ўқитувчилар нималарга эътибор қаратишлари зарурлиги алоҳида

3-бет

ИНШО ЁЗИШ МАҲОРАТИ

унда ижодий тайёргарлик жараёни муҳим

5-бет

Умумий ўрта таълим мактаби жойлашган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болалар ҳисобини олиб бориш тўғрисида
ЙУРИҚНОМА

6-бет

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР

15-бет

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жорий йил биринчи чорагида Комплекс бўйича жами 817,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 119,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 439 миллиард сўмлик (120,9 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 72,6 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 277 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари ортиги билан бажарилди.

Комплекс йиғилишида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада кучайтириш ҳамда мақомини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, оилада тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига доир вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда қишлоқ жойларда ёшларнинг интернет тармоғида ишлаши ва аҳолини компьютер саводхонлигини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда "Ягона ойна" марказлари орқали аҳолига ва хўжалик юритув-

чи субъектларга хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, электр энергияси, газ, сув ва бошқа коммунал хизматларни кўрсатиш ва тўловларни қабул қилиш бўйича автоматлаштирилган ахборот ва биллинг тизимларини яратиш тўғрисидаги масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан жорий йил март ойида қабул қилинган қарорларга асосан ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришда ахборот тизимларини татбиқ этиш билан биргаликда, мавжуд компьютер техникаси ва технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини такомиллаштириш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали республикада ахборот-кутубхона хизматларини янги bosқичга кўтариш чоралари белгилаб олинди.

Шунингдек, давлат ва нодавлат архивларида фуқароларга бериладиган маълумотларнинг ҳақонийлигини таъминлаш, архив ҳужжатларининг сақлаш тартибига келтириш, архив ходимлари масъулиятини ошириш, аҳолини биометрик паспортлар билан таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2012 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини сўзсиз амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

5 апрель куни Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги ва Республика Ташхис маркази ҳамкорлигида мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқичига қамраб олиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, республика Ташхис маркази мутасадди ходимлари, Тошкент шаҳар ва туманларининг ўқувчиларни касбга йўналтириш ва педа-

чага тўлиқ қамраб олиш бўйича вазирлик томонидан амалга оширилаётган ва эришилган натижалар тўғрисида атрофича фикр юритилди.

Тадбирда таъкидланганидек, 2011-2012 ўқув йили 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқичига жалб қилиш, уларни касб-хунарга йўналтириш мақсадида ўқув йили давомида ўтказилган сўвонмалар ёшларимизнинг касб-хунар танлаш бораси-

Matbuot anjumani

каси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоят халқ таълими бошқармалари, хуудий Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида 2012 йил февраль, март ва апрель ойларида академик лицей ва касб-хунар коллежларида режа асосида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилиб, битирувчилар билан жонли му-

РЕЖАЛИ ФАОЛИЯТ

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари сифатини оширади

гогик-психологик диагностикаси методик таъминлаш кичик гуруҳ раҳбарлари, Тошкент шаҳридаги касбга йўналтириш ишлари намунали ташкил этилган умумтаълим мактаблари психологлари иштирок этди.

Матбуот анжуманида Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёров, ХТВ умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Йўлдош Асадов, республика Ташхис маркази раҳбари Исмомил Хайдаров ва бошқалар мамлакатимизда Президентиимиз раҳнамолигида таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар, жумладан, мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқи-

даги мустақил фикрлари аввало ўз иқтидори, қобилияти ҳамда ҳудудлардаги мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда шаклланаётганини кўрсатади.

2010-2011 ўқув йилида умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг электрон банки яратилди. Мазкур банки яратишдан мақсад битирувчиларнинг ўқиш истаклари йўналишини аниқлаш бўлиб, маълумотлар интернет тармоғига жойлаштирилди (www.mb.uzedu.uz).

2011-2012 ўқув йили 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқичига тўлиқ жалб қилиш, уларни касб-хунарга йўналтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республи-

лоқотлар ташкил этилаёттир. Шунингдек, жойларда бўлиб ўтаётган "Орзуимдаги кў касбим", "Мустаҳкам оила", "Касб танлови", "Танлаган касбинг — ҳаёт йўлинг" ва "Касб танлашда адашма" мавзуларидаги тренинг машғулоти ҳам ўзининг ижобий самараларини бераётти. Машғулотларда синф раҳбарлари, мактаб психологлари фаол иштирокчи бўлишаёттир.

Матбуот анжумани якунида мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқичига тўлиқ қамраб олишга оид ва бошқа қўлаб саволларга атрофича жавоб берилди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

МЕҲНАТ— БАХТ КАЛИТИ

Ўғил болаларни уddaбурон, чаққон, матонатли, қизларни эса чевар, уй ишларига эпли қилиб тарбиялашда меҳнат таълимининг ўрни алоҳида. Сергели туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилбар Мираҳмедова ҳам «Меҳнат бахт калитидир, у тарбиянинг мағзини ташкил қилади», деб ҳисоблайди. Шу боис дарс жараёнида таълим ва тарбияни уйғун ҳолда олиб боришга жиддий эътибор қаратиб келади. Муаллима ўқувчиларнинг кийиниш одоби, мулоқот маданиятидан тортиб, бошқа дарсларда иштироки, оилада ота-онасига кўмаклашишигача қизиқади.

Меҳнат таълими фани ўқитувчиси Д.Мираҳмедова «Эстетик йўналишдаги фанлар ойлиги»нинг сермазмун ўтишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. «Паркет усулидан фойдаланиб елпигич тикиш», «Йўл-йўл усулдан фойдаланиб ушлагич тикиш» мавзуларида ташкил этган очик дарслари ҳамкасбларида, айниқса, ёш ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди.

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ўқитувчининг касбий маҳоратини оширади

Узлуксиз таълим сифати ва самарадорлигини оширишда педагогик ва ахборот технологияларнинг ўрни беқиёс. Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида «Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишда инновацион технологияларнинг аҳамияти» мавзуида бўлиб ўтган республика илмий-амалий конференцияси аниқ шу фикрга алоҳида урғу берилди.

Анжуманининг ялпи йиғилишида «Ўқитувчининг педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлиги», «Ўқитувчининг шахсга йўналтирилган таълим технологияларини қўллаш маҳорати», «Замонавий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари» мавзуларида маърузалар тингланди.

— Бугунги кунда юртимизда педагоглар малакасини оширишнинг самарали тизими мавжуд, — дейди йиғилишда сўзга чиққан А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказий институти проректори Ж.Фозилов. — Тизимни янада такомиллаштириш учун эса педагог кадрларнинг инновация технологияларини ўзлаштиришни чуқурлаштириш, яъни, педагогик инновациялар мазмуни ва мезони ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, улардан фойдаланиш методикасини пухта ўзлаштиришига шароит яратишимиз зарур.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти вакиллари, умумий ўрта таълим, мактаби, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари иштирокидаги

шўъба йиғилишларида 200га яқин маърузалар муҳокама этилиб, изланувчилар учун ниҳоятда зарур бўлган тавсиялар тақдим этилди. Иштирокчилар тасвирий санъат ўқитувчиси фаолиятида инновация технологияларини қўллаш, касбий маҳоратни шакллантиришда нутқнинг ўзига ҳок хусусиятлари, мактаб таълимининг бошқаришда инновацион технологиялардан фойдаланиш каби мавзулардаги маърузаларни қизиқиш билан тинглаб, жараёнда пайдо бўлган саволларга батафсил жавоблар олишди.

— Анжуманда «Ўқитувчи фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни» мавзуидаги изланишларим билан иштирок этдим, — деди Сурхондарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси Алламбергян Беккулов. — Мавзунинг долзарблиги бугунги кун ўқувчисининг эътиборини жалб этиш учун дарсда аънанавий усуллардан фойдаланишининг ўзи камлик қилиши кўп бора тилга олинаётганида ҳам кўзга ташланади. Шунинг учун таълим жараёнига ахборот технологияларини кенг жорий этишга катта эътибор қаратилган. Анжуман мобайнида бошқа малака ошириш институтларидаги ҳамкасбларимиз билан таърибга алмашиб билан бир қаторда, таълим муассасалари вакилларининг дарс самарадорлигини ошириш борасидаги фикр ва мулоҳазаларини тингладик, ўқув жараёнида қўлаётган иш усуллари билан танишдик. Аминманки, бу билим ва кўникмалар кейинги фаолиятимизда асқотиши тайин.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бола биринчи синфга қадам кўйганда мактабга тез ва осон мослашиши учун бошлангич таълим ўқитувчиси ҳар томонлама — педагогик, психологик, физиологик жиҳатдан ижобий муҳит яратишга интилади. Худди шундай муаммо 4-синфдан 5-синфга ўтган ўқувчилар билан ҳам юзага келиши табиий. Деярли барча фанларни бир ўқитувчидан ўрганган бола турлича характер ва ёндашувга эга бир-неча нафар ўқитувчидан сабоқ ола бошлагач, янги шароитга мослашолмай қийналади. Бу ҳолатни, аввало, синф раҳбари, ота-она ва ҳар бир фан ўқитувчиси сезиши ва зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Мен ўзим раҳбарлик қилаётган 5-синфда худди шундай муаммога дуч келдим. Ишни бошлангич синф ўқитувчиси билан биргаликда ишлашдан бошладим. Ҳар бир ўқувчимнинг феъл-атвори, қайси фанларни яхши ўқиши, қизиқишлари ҳақида суриштирдим. Тарбиявий соатлар мавзусини шунга қараб танладим. Сўнгра ўқитувчилардан ҳам фанлараро узвийликда дарс ўтишларини сўрадим. Масалан, Анваржон ботаникадан ўртача ўқирди. Ваҳоланки, у бошлангич синфларда атрофимиздаги олам ва математикадан фақат «аъло» баҳо олган. Фан ўқитувчисидан шу ўқувчига бериладиган саволларни атроф-муҳит ва математик ҳисоб-китобларга боғлаб изоҳлашни сўрадим. Мана, учинчи чоракка келиб, Анваржон ботаникадан аълочига айланди.

Эндигина юқори синфга ўтган ўқувчиларни «Сиз мураккаб фанлар оламга кириб бораяпсиз, бундан буёғига жиддийроқ бўлишингиз, ўқишга чуқур ёндашишингиз керак», дея чўчитишларини оқламайман. Фан сирлари содда ва осон, тушунарли қилиб етказиб берилсагина, ўқувчи дарсларни яхши ўзлаштириши мумкин. Қолаверса,

бола ёши улғайган сайин табиий равишда масъулиятни чуқурроқ ҳис қилиб бораверади.

Ўзим ҳам математикадан дарс бериш асносида ўқувчиларга фанни мураккаб қилиб кўрсатмай, иложи борица соддалаштириб, қизиқарли

да эътиборни ҳис этиб, масала ечишга кўтаринки кайфиятда киришадилар.

Қизиқарли ўйин, мантикий топшириқ ва масалалар орқали ўғил болаларда ҳарбий-ватанпарварлик, жамоада ўзаро ҳурмат руҳини яратиш мумкин. Масалани келтирилган оддий йўловчи мисолни ҳарбийлар билан алмаштиринг-чи, шу синфда мудраб ўтирган, бефарқ ўғил бола топи-лармикан? Масалани шахд билан ечишаётганида Ватанимиз сарҳадлари ҳақида қизиқарли маълумотларни айтсангиз, уларда иштиёқ янада ортади.

Fikr, mulohaza, taklif



ЮҚОРИ СИНФДА ЎҚИШ ҚИЙИНМИ?

Эҳуд 5-синф ўқувчилари билан ишлашда ўқитувчилар нималарга эътибор қаратишлари зарурлиги хусусида

тарзда тушунтиришга ҳаракат қиламан. Таълимий мақсаддан чекинмаган ҳолда тарбиявий жиҳатларга ҳам эътибор қаратаман. Бунда ўқувчи қатъий фикрга келиши, интизомли бўлишни ўрганади. Яна, ҳар бир боланинг қобилияти, ички имкониятларини юзага чиқарадиган мисолларни қўллаш муҳим. Китобдаги бирор масалани тушунтиришда машиналардан фойдаланилган бўлса, қиз болаларга гуллар ёки соч тўғноғичларини мисол қилиб олишларини тайинлайман. Шунда улар ўзларига нисбатан алоҳи-

Бир ўринда қаламлар ҳақида масала ечиш керак бўлса, ҳар бир ўқувчи ўзини кўйиб кўриши мумкин. Яъни, «мен Озода-кам, синфдошларимдан ўн нафарини уйимга таклиф қиламан...» ёки «Мен Фарруҳман, ўзимдаги хислатларни санасам...» каби. Бунда ўқувчи «мен»ига эътибор берилгани учун ҳар бир бола фаоллашади, тасаввури кенгайди.

Бошлангич синфларда ўқитувчи ҳар бир дарсда жисмоний дам олиш дақиқалари ўтказиши керак. Бешинчи синфда ҳам бу анъанани давом эттириш

адаптация(мослашув) жараёнини енгиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Фақат таълимий жараён билан боғлиқ ҳолда олиб борилгани мақсадга мувофиқ. Мисол учун, математика дарсида «Занжирли ҳисоб» ўйинини ташкиллаштириш мумкин. Ўйинда ўқувчилар тенг икки гуруҳга бўлиниб, қарама-қарши қўйилган стулларга ўтиришади. Биринчи жамоадаги ўйинчи ихтиёрий бир мисолни (масалан, 12x5) айтади ва коптокни иккинчи томонга отади. Тўпни илиб олган ўқувчи берилган мисолнинг жа-

воби қатнашган яна бир мисолни (масалан, 60-15) айтиб, коптокни биринчи гуруҳдаги кейинги иштирокчига узатади. Кимнинг жавоби нотўғри бўлса, ўйиндан чиқиб кетади. Охирида ўқувчилари кўп тараф голиб деб эълон қилинади. Шу тариқа ҳозиржавоблик, жамоага ҳурмат каби хислатлар ҳам шаклланади.

Бешинчи синфларда дарс бераётган ҳар бир ўқитувчи нафақат ўз фанининг яхши ўзлаштирилишига, балки ўқувчи шахси ва қизиқишларини ҳар тарафлама ўрганган ҳолда улар қалбига йўл топишга ҳам эътибор қаратиши керак. Шундагина ўқувчиларимиз юқори синфда ўқишнинг қизиқарли ва афзал жиҳатларини ҳис қилиб, янги муҳитга тез мослашади, дарсларни ўз вақтида ўзлаштириб боради.

Ҳавасхон МЕЛИБОЕВА,
Бувайда туманидаги
2-мактаб ўқитувчиси

КОЛЛЕЖДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Бола қандай касбни танламоқчи, албатта, шу касбнинг сирасорларини пухта ўрганиши, устозлардан сабоқ олиши муҳим саналади. Бунда унга ота-онаси, ўқитувчилари, маҳалла фаоллари яқиндан кўмак бериши лозим. Бу эса оила — таълим муассасаси — маҳалла ҳамкорлигини тақозо этади. Шу маънода бугун умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида битирувчи синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

1-Республика тиббиёт коллежиде шу мақсадда ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» ва «Касблар фестивали»да пойтахтимизнинг бир қатор туманларидаги мактаблардан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда ўқитувчилари ташриф буюриб, коллеждаги шарт-шароитлар билан танишдилар. Аслида ушбу тадбир илм масканида ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери бир неча бор ўтказилган эди.



Шу вақт давомида Шайхонтоҳур туманидаги 157-, Яққасарой туманидаги 144-, 319-, 118-, Чилонзор туманидаги 173-, 178-, 162-, 182-мактабларнинг ўқувчилари ҳафтанинг ҳар чоршанба куни ташриф буюриб, дарс жараёнларида, лаборатория ўқув машғулотларида

таълим муассасасидаги йўналишлар билан яқиндан танишишди.

«Очиқ эшиклар куни» тадбирида сўзга чиққанлар битирувчиларнинг академик лицейи ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришлари уларнинг илм сирларини мукамал эгаллаб, касб-хунарни пух-

та ўрганиши билан бирга, келажакда танлаган касбининг чин мутахассиси бўлиб етишишларида ҳам муҳим эканлигига урғу беришди. Ўқувчиларни касбга йўналтиришда ҳамкорликда иш олиб бориш ижобий самара беришига алоҳида тўхтадилар. Илм маскани мутасаддилари битирувчилар орасида тарғибот ишларини янада такомиллаштириш мақсадида коллеж веб-сайтида махсус саҳифа ташкил этилгани ва ҳудуддаги барча мактаб ўқувчилари мавжуд йўналишлар ҳақидаги маълумотлар билан уч тилда танишишлари мумкинлигини айтаиб ўтдилар.

Тадбир давомида ота-оналар фарзандлари ҳамоҳулигида коллежнинг ўқув-тренинг хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт майдончалари ва тўғарақлар фаолияти билан танишдилар, ўқувчилар томонидан тайёрланган кўргазмани томоша қилишди.

МУХБИРИМИЗ
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.



❖ Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида “Энг намунали оила” кўрик-танловининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди.

Наманган вилоятчи Хотин-қизлар кўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва республика “Оила” илмий-амалий маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда бошқа турли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловда шахар ва туман bosқичларида сараланган энг намунали 36 оила иштирок этди.

Иштирокчилар тадбиркорлик, оилавий бизнес, хунар-мандчилик ва томорқа маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этиш, оилада таълим-тарбияни йўлга қўйиш, маънавий, ижтимоий, иқтисодий барқарорликни таъминлашга оид саволларга жавоб бериш каби шартлар бўйича беллашди.

Танлов голиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

❖ Самарқандда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан Мустаҳкам оила йилга бағишланган «Қадрият, урф-одат ва аъна» акцияси давом этмоқда.

Мазкур тадбир доирасида Урганч туманининг Қоратепа қишлоғида миллий ўйинлар фестивали бўлиб ўтди.

Бу гагги фестивалда ҳам беш юздан зиёд ёшлар иштирок этди. Улар ўнга яқин миллий ўйинлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Маҳаллалар ёшларини фестивалга жалб қилиш орқали уларнинг келгуси мақсад ва режалари ўрганилди. Тумандаги бандликка кўмаклашиш, маънавий тарғибот марказлари, маданият ва спорт ишлари бўлимлари томонидан уларга зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Жорий йилги фестивалда оилавий жамоалар иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Улар миллий ўйинлар билан бирга қадимий лапар ва ўланлар, ашулалар ижро этдилар. Туман маданият уйи қошидаги «Бешқарсақ» бадий жамоасининг концерт дастури фестивалга янада файз киритди.

❖ Бухорода «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмасининг энг йирик лойиҳаларидан «Биз — бир жамоа, биз — бир оила» акцияси бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг иқтидорли йигит-қизлари, Ёшлар ташаббуслари марказининг турли лойиҳалари қатнашчилари, маҳаллий ҳокимият, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Акция доирасида Бухоро юридик ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежиде “Таълим ва карьера” кўргазмаси ташкил этилди. Унда иштирок этган олий ўқув юртлири, коллеж ва лицейлар битирувчилари ўқиш ва иш фаолиятини давом эттириш бўйича тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар олди.

“Биз — бир жамоа, биз — бир оила” акцияси вилоят драма театрида акция фаолларини тақдирлаш маросими ва гала-концерт билан яқунланди.

❖ Пойтахтимизда болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишининг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, ёш тадқиқотчилар, вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, тиббиёт бирлашмалари педиатрлари, умумий амалиёт шифокорлари иштирок этди.

Анжуманда болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, диагностика ва даволаш ишларини яхшилаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига оид маърузалар тингланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

ЕНГИЛ САНОАТ РИВОЖИ

ёш кадрлар салоҳиятига ҳам бевосита боғлиқ

Миллий матбуот марказида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг «Юртимизда энгил саноат машинасозлигини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар, инвестицион лойиҳалар, жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш масалалари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуман доирасида кўргазма ташкил этилиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кенг асортиментдаги ип калава, газлама, тикувчилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари намойиш этилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон дунё тўқимачилик ҳамжамиятига қатъий ишонч билан кириб бораётганлиги эътироф этилди. Шунингдек, соҳа тараққиётига маҳаллий ва чет эл сармоялари сезиларли улуш қўшаётгани, улар асосида замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги корхоналар ташкил этилгани алоҳида таъкидланди. Тўқимачилик ва тўқимачилик машинасозлигини ривожлантириш учун республика микросида маҳаллий хомашённи қайта ишлаш даражасини ошириш, экспорт ҳажмини ва ички бозорни тўлдириш даражасини юксалтириш ва ёш кадрларни соҳани ривожлантиришдаги инновацион жараёнга жалб этиш вазифалари атрофлича таҳлил қилинди.

Хусусан, мазкур йўналишга соҳага тааллуқли бўлган касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқалари ҳақида ахборот берилди.

— «Ўзбекенгилсаноат» ДАК

Matbuot anjumani

таркибидеги корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга ортиб, газлама, кийим-кечак, трикотаж буюмларидан ташқари тиббиёт ва махсус кийимларга бўлган аҳоли эҳтиёжлари ҳам қондирилмоқда, — деди компания бошқаруви раиси ўринбосари Шамсиддин Султонов. — Соҳадаги ишлаб чиқариш

бўйича кўрсаткичлар 2011 йилда 1994 йилга қараганда 82,5 фоиз ошгани олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидир. Энг муҳими, Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония ва бошқа қатор давлатлар инвестициялари иштирокида 150дан зиёд корхоналар ташкил этилди. Жорий йилда ҳам 20дан ортик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган. Бундай сазъ-ҳаракатлар натижасида 3000дан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Лойиҳалар моҳиятида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни технологик қайта жиҳозлаш ва юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадлари кўзда тутилган.

Тадбир сўнгида соҳага малакали кадрлар тайёрлаш масаласи, ишлаб чиқариш корхоналарига берилаётган имконият ва яратилаётган шарт-шароитлар асосидан берилган қўллаб-қувватлаш батафсил жавоб қайтарилди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

КОЛЛЕЖДА

«ЁШ ЭКОЛОГЛАР БОҒИ»

Сирғали тиббиёт касб-хунар коллежиде «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамкорлигида 7 апрел — Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан давра суҳбати ўтказилди.



— Сўнги йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича бир қанча дастурлар изчиллик билан бажарилиши натижасида ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага салбий таъсири камайди, — дейди давра суҳбатиде Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг бўлим бошлиғи, кимё фанлари номзоди Хония Асилбекова. — 2010 йил иқлим ўзга-

ришлари тўғрисидаги Киото протоколларининг Мусаффо атмосфера механизми доирасида «Навоийазот», «Фаргонаазот» ва «Максам-Чирчиқ» ОАЖ корхоналарида атмосферага азот закиси ташламаларини кискарттириш бўйича янги технологиялар ўрнатилди. «Эко-энергия» илмий-тадқиқот маркази томонидан кўёш батареялари ва биогаз ускуналарини тайёрлаш, ўрнатиш ва ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Тадбирда коллежни ободонлаштириш мақсадида 1000 туп даракт экилиб, «Ёш экологлар боғи» бунёд этилгани алоҳида таъкидланди. Давра суҳбатидан кейин коллеж ўқувчилари эътиборига Орол фожеасига бағишланган «Харитага кирмаган сахро» ҳужжатли фильми намойиш этилди. «ЭКОСАН» Халқаро жамоат фонди томонидан коллеж кутубхонасига турли илмий-оммабоп адабиётлар, плакат ва хариталар совға қилинди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» халқаро жамоат фондининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

А.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«XXI асрда болалар китобхонлиги: ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила ва кутубхона ҳамкорлиги» мавзусидаги Республика конференциясининг

ХАБАРНОМАСИ

Республика болалар кутубхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011—2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда болалар китобхонлиги соҳасидаги масалаларини ўрганиш, долзарб муаммоларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш ва шу соҳа мутахассислари билан муҳокама қилиш мақсадида 2012 йил 23 майда «XXI асрда болалар китобхонлиги: ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила ва кутубхона ҳамкорлиги» мавзусида конференция ўтказишни ре-

жалаштирган.

Ушбу конференция материаллари тўпلام сифатида чоп этилиши муносабати билан, илмий-амалий конференцияда қатнашгани хоҳловчи мутахассисларнинг юқоридаги долзарб масалага оид маърузалари билан қатнашишларини тақдир этилди.

Маъруза матнларини (6 бетгача ҳажмда, Times New Roman шрифтида, 14 кегль, 1,5 интервалда) ёзма ва электрон шаклда (rdbk-uz@mail.ru) 2012 йил 5 майга қадар Республика болалар кутубхонасига юбориш сўралади.

Маълумот учун телефонлар:

(+99891) 233-25-19, 233-17-91.

ИНШО ЁЗИШ МАҲОРАТИ

унда ижодий тайёргарлик жараёни муҳим

Ўқувчини болалигидан ижодкорликка ундаш, дунё-қарашини шакллантиришда адабиёт дарсларининг ўрни ва аҳамияти катта. Уни адабиётнинг нодир дурдоналари билан таништириш, бадиий диди ва савиясини ошириш, атроф-оламга кенг мушоҳада билан назар ташлашга ўргатишда иншо ёздириш энг самарали усуллардан биридир.

Тақвим режа бўйича 8- ва 9-синф ўқувчилари III чоракда "Мирзо Улуғбек – илм-маърифат ҳомийси", "Мирзо Улуғбек – шоҳ ва олим" мавзуларида иншо ёзади. Ўзбек адабиётининг икки шоҳ асари – Мақсуд Шайхонданнинг "Мирзо Улуғбек" фожиаси ҳамда Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романига таяниб ёзилган ҳар икки иншо мавзу жиҳатдан яқин. Бу эса ўқитувчи зиммасига алоҳида масъулият оқлайди. У иншога тайёргарлик жараёнида ижодий қамровни кенгроқ олиб, ўқувчиларнинг диққатини мавзунинг муҳим тарихий жиҳатларига қаратиши зарур. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби ва олим сифатида мамлакат тараққиётида тугган ўрни ва илм-маърифатга қўшган ҳиссаси бадиий асарларда қандай ёритилганини қисқача баён этиши керак.

Айтиш мумкинки, ижодий ишга тайёргарлик жараёни икки босқичдан, яъни мавзуга алоқадор маълумотлар-

ни тўплаш ҳамда тартиб-лашдан иборат. Бу юмушлар мавзу аниқланган пайтдан то режа тузишгача бўлган ораликда бажарилади. Одатда, ўқувчи бирор-бир асар моҳиятини очиб беришга интилар экан, муаллиф ҳаёти ва ижоди, асарнинг яратилиш тарихи, ўз даври, ҳозир ва келажақдаги аҳамияти, долзарблигини атрофлича ўрганади. Аммо бу маълум-

Sinab ko'ring

мотларнинг барчаси ҳам ижодий ишга киритилмайди. Чунки мавзудан четга чиқиш ҳоллари иншонинг ортиқча «семириб» кетишига сабаб бўлиб, уни безаш ўрнига «кераксиз ямоқ»қа айланиб қолиши мумкин.

Иншога тайёргарлик жараёнида ўқитувчи мавзуга алоқадор тарихий ва бадиий асар, газета ва журналлардан, қолаверса, ҳаётдан қизиқарли мисоллар келтириб, боланинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга

уруниши лозим. Бу усул ўқувчи китобхонлигини шакллантиришнинг асосий йўлидир. Қолаверса, ижодий ишга маълумот йиғиш давомида асар ҳақида олимларнинг тадқиқотлари ҳамда кўйи синфлар ўқув режасидан ўрин олган «Бадиий адабиётда руҳият талқини», «Мирзо Улуғбек фожиаси тўрисида» мавзуларидаги дарслик маълумотлари, шунингдек, 7-синф «Ўзбекистон тарихи» дарслигидаги тарихий фактлар ҳам зарурий манба бўлиб хизмат қилади. Бу борада бугун умумтаълим мактабларида мавжуд интернет тармоғидан бемалол фойдаланиш имконияти яратилгани ҳам қувонарлидир. Мазкур маълумотлар ўқувчига асарни «кўра олиш», унга баҳо бериш йўриқларини ўргатибгина қолмай, ёзма ишни пухта ва мазмунли бажаришига ҳам кўмак беради. Муҳими, педагог шу орқали миллий адабиётимиз намуналарини ёш авлодга етказиш баробарида уларни фаол, билимли ва чуқур мулоҳазали бўлишга ундайди.

Шодиёр ТўРАЕВ,
Кўшработ туманидаги
35-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

ИШ ЖОЙЛАРИ АНИК

Самарқанд иқтисодиёт коллежининг 2012 йилги 577 нафар битирувчисини ишга жойлаштириш муаммоси ижобий ҳал этилди.

Иш берувчи ташкилотлар, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги вакиллари, ота-оналар ҳамда битирувчилар иштирокида ўтказилган тадбирда шу ҳақда хабар берилди.

– Битирувчиларни иш билан таъминлаш уларнинг келажаги учун гамхўрликдир, – дейди коллеж директори Худойназар Эргашев. – Шуниси қувончлики, барча битирувчилар билан уч томонлама: иш қидирувчи – иш берувчи – коллеж маъмурияти ўртасида шартномалар тузилиб расмийлаштирилди.

Эътиборлиси, бу йил коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашни расмийлаштиришда янгича йўл тутилди: эндиликда битирувчиларга шаҳар ҳокимлиги, шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази, коллеж маъмурияти, иш берувчи ташкилот томонидан махсус сертификат топширилди. Мазкур сертификат битирувчининг иш билан таъминланганлигини кафолатловчи ҳужжат ҳисобланади.

Сертификат топшириш маросими тантанали вазиятда ўтказилди.

– Бундан уч йил олдин қизимни шу коллежга бошлаб келганимда ҳаёлимда: «қизим коллежини битиргач, қарғига ишга жойлашаркан», – деган ҳадик пайдо бўлган эди, – дейди пахтачилик Клара Қодирова. – Мана, қизимнинг иш жойи ҳам аниқ бўлди: Дилсора Пахтачи туманидаги «Хайрулло Суннатullo Мадад» фермер хўжалигига иш юритувчи сифатида ишга қабул қилинди.

Ҳақим ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

«Ўзбекистон» телеканали орқали 4 апрель кuni кечки пайт намойиш этилган «Нингоҳ» кўрсатувини афсус-надоомат билан томоша қилдим. Ўсиб келаётган авлодга ҳар жиҳатдан эътибор ва гамхўрлик кўрсатилаётган бир пайтда ўзбек миллатига мансуб айрим қизларнинг ахлоқсизлик, ҳаёсизлик кўчасига кириб кетишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

ЛОҚАЙДЛИК ВА ЭЪТИБОРСИЗЛИК ФОЖИГА БОШЛАЙДИ

Фарзандларимиз она қорнидан фариштадек пок бўлиб туғилади. Уни оқ ювиб, оқ тараш, парвариш қилиш асносида онгига нима яхши, нима ёмон, нима оқ, нима қора, деган тшунчаларни сингдира бошлаймиз. Беҳисоб шукрки, ўғил-қизларимизнинг аксарияти иймон-эътиқодли, илм-фан чўқиларини эгаллаган, касб-кор малакасини шакллантириб, элига хизмат қилмоқда. Улар, аввало, ота-онасига обрў-эътибор келтираётир, қолаверса, мамлакатимиз халқи

қўшмачилар қайси таълим масканидан назорат, тартиб-интизом бўшлигини яхши билади. Улар ўша ўқув даргоҳларига бориб, содда ва ишонувчан қизларни авраш усулини қўллайди. Натижада, ўз оилавий муҳитида ахлоқий, маънавий мезонларни чуқур англамасдан вояга етган қизлар алданиб қолмоқда.

Ташкент — бағрикенг шаҳар, бу ерда турли миллат вакиллари яшайди. Вилоятдан келиб, эзгу мақсадларни ўз олдига қўйган ва бунга эришаётган заучун ҳам бундай ёшлар фахр-ифтихордир. Афсуски, турли сабабларга кўра нопок йўللарга кириб, гулдек ёшлигини хазонга айлантираётганлар ҳам борлиги ҳақиқат. Фарзандининг ўқиши, касб-хунар эгаллаши билан қизиқмайдиган, келажақда тақдири қандай кечиши ҳақида қайгурмайдиган ота-онагина қизини шундай жарҳатка рўпара қилиши мумкин. Иккинчидан, айрим таълим даргоҳларида маънавий-маърифий муҳитни яхшилаш, назорат қилиш билан боғлиқ тарбиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўрсатувда Ташкент шаҳар тери-таносил касалликлари шифохонаси бosh врач Шохидда Жамилова берган маълумотга кўра, фоҳишабозликнинг орқасидан кун кўрадиган, ёшларни жирканч ва фожиали йўлга бошлайдиган

Munosabat



ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР ДОВРУГИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда ёш авлоднинг истеъдодини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабида икки юздан зиёд ўғил-қиз фортепиано, халқ чолғу асбоблари, дамли чолғу асбоблари, анъанавий хонандалик ва созандалик, эстрада, торли чолғу асбоблари, хореография, тасвирий санъат йўналишлари бўйича сабоқ

олмоқда. 32 нафар малакали мутахассис уларнинг иқтидорини юзага чиқаришга кўмаклашапти.

Мактабда яратилган шароит ва кўрсатилаётган гамхўрлик самарасида ўқувчилар вилоят ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган турли кўрик-танлов, фестивалларда совринлов ўринларини қўлга келтираётир. Айниқса, мактаб қошида ташкил этилган "Истиқлол" дуторчи қизлар гуруҳининг довруги вилоятдан ташқарига

ҳам ёйилган.
Суратда: "Истиқлол" дуторчи қизлар гуруҳи аъзоси Чарос Низомова.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗД)
олган сурат.

Qaror va ijro



Марҳамат АҲМЕДОВА,
Ташкент шаҳридаги
149-умумтаълим мактаби
она тили ва адабиёти фани
ўқитувчиси

Умумий ўрта таълим мактаби жойлашган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болалар ҳисобини олиб бориш тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунида "Умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг мажбурийлиги" таълим соҳасидаги давлат сифатининг асосий принципларидан бири сифатида белгиланган ("Таълим тўғрисида"ги қонун, 3-модда).

2. Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида НИЗОМ"да (1.2-банд) ҳам ўз аксини топган. Шунингдек "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 26, 27, 28, 30-моддаларида умумий ўрта таълим мактаблари ҳудудда яшовчи мактаб ёшидаги болаларни таълим муассасаларига тўла жалб этишга маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, умумий ўрта таълим муассасаларининг раҳбарлари ва педагогик жамоалар ҳамда ота-оналар жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган.

3. Туман(шаҳар) ҳудудида яшовчи мактаб ёшидаги болаларни ўқишга тўлиқ жалб этишни таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарорлари билан барча мактабларга ҳудудлар — микроучасткалар бириктирилади. Туман(шаҳар) ҳокимликларининг қарорлари асосида микроучасткаларни мактабларга бириктириш туман(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг (бундан кейинги матнда туман(шаҳар) ХТМФМТ ва ТЭ бўлимлари деб юритилади) буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ҳар бир мактабда ўзига бириктирилган микроучастканинг схемаси бўлиши шарт. Схемادا микроучастканинг аниқ чегараси, унинг таркибига кирган кўча, тор ва берк кўчалардаги барча уйлар, хонадонлар кўрсатилади. Маълум микроучасткада истикомат қилувчи оилалар ўз фарзандларини мазкур микроучастка бириктирилган мактабда ёки бошқа мактабларда ҳам ўқитиш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Маҳаллий ҳокимликнинг қарори туман(шаҳар) ҳудудидаги ўзгаришларни (қурилиш, қайта қуриш ва ҳ.к.) инobatга олган ҳолда 3-4 йилда қайта кўриб чиқилади. Туман(шаҳар) ХТМФМТ ва ТЭ бўлимлари мактабларга бириктирилган микроучасткадаги ўзгаришлар бўйича маҳаллий ҳокимликларга тегишли тақлифлар беради.

Мактабга бириктирилган микроучасткадаги мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълим билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш бўйича умумий ўрта таълим мактаби директорининг вазифалари

1. Умумий ўрта таълим мактаби директори(бундан кейинги матнда мактаб директори деб юритилади):

мактабга бириктирилган ҳудудда яшовчи мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларнинг барчасини умумий ўрта таълим мактабларига тўлиқ жалб қилиш;

мактабда рўйхатга олинган ва тасдиқланган ўқувчилар контингентини ўқув йили давомида тўла сақлашишни таъминлаш;

ўқувчилар давоматини қатъий назорат қилиш ва мактабдан сабабсиз кетиб қолиш ҳолатларининг олдини олиш;

жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирларнинг тегишли махсус таълим муассасаларида билим олишлари учун ташкилий ишларни амалга ошириш;

9-синф битирувчиларининг тўлиқ таркибда таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттиришларини ташкил этиши лозим.

Бунинг учун: ҳар бир ўқув йили бошида мактаб микроучасткасига қарашли тегишли кўчаларга ўқитувчиларни буйруқ билан бириктирилади;

микроучасткаларда рўйхатга

олинган мактаб ёшидаги болалар ҳақидаги маълумотни умумлаштириш учун жавобгар шахсни буйруқ билан тайинлайди;

бириктирилган ҳудудлар бўйича 5-6 ёшдаги болалар ва барча мактаб ёшидаги ўсмирларнинг рўйхатга олиниши ва уларнинг мактабга қамраб олинишни таъминлайди;

рўйхатлар микроучасткага бириктирилган ўқитувчилар томонидан 1-жадвал шаклида алоҳида дафтарга қайд этилишини, микроҳудуд бўйича 2-жадвал шаклида умумлаштирилишини назорат қилади ва 4-жадвал шаклида туман (шаҳар) ХТМФМТ ва ТЭ бўлимига ҳисобот беради;

мактабга бириктирилган ҳудуд бўйича жавобгар шахс томонидан микроучасткаларда рўйхатга олинган болалар ҳақидаги маълумотни 3-жадвал шаклида умумлаштирилишини назорат қилади;

мактабга бириктирилган микроучасткада ўқитувчилар томонидан рўйхатга олинган мактаб ёшидаги болалар қайд этилган дафтарни мактаб директори ўзида сақлайди ва у тегишли ҳисоботлар учун асос бўлади;

_____ вилояти, _____ тумани, _____-сонли мактаб ўқитувчиси _____ га бириктирилган ҳудудда рўйхатга олинган мактаб ёшидаги болалар ҳақида умумлаштирилган маълумот 2-жадвал

(Ўқитувчининг Ф.И.Ш) Собирова
Малоҳат Тўйғуновнага

2012 йил август ҳолатига
Бириктирилган ҳудуднинг аниқ манзили
(Хошимов кўчаси 1—50-уйлар)

Ўқитувчига бириктирилган ҳудудда яшовчи хонадонлар сони	Уларда болалар сони	Улардан мактаб ёшидаги болалар сони	Улардан мазкур мактабда ўқийётган болалар сони	Улардан мазкур мактабда ўқийётган болалар сони									Бошқа мактабларда ўқийётган болалар сони	Сабабли ўқимаётган болалар сони	Сабабсиз ўқимаётган болалар сони	
				1-синфда	2-синфда	3-синфда	4-синфда	5-синфда	6-синфда	7-синфда	8-синфда	9-синфда				

Ҳудудга бириктирилган ўқитувчининг имзоси

(Эслатма: Умумлаштирилган ҳисобот шаклига 1 ва 9-синф ўқувчиларининг рўйхатлари илова қилинади. Бошқа мактабда ўқийётган _____ нафар ўқувчи ҳақида ўқийётган мактабдан берилган тегишли маълумотнома илова қилинади. Сабабсиз ўқимаётган _____ нафар ўқувчи ҳақида батафсил маълумот мактаб директориға тақдим этилади ва уни ўқишга қайтариш чоралари кўрилади.)

_____ вилояти, _____ туманидаги _____-сонли мактабга бириктирилган ҳудудда яшовчи мактаб ёшидаги болалар ҳақида умумлаштирилган маълумот 3-жадвал
2012 йил август ҳолатига

Т/р	Микро участкага бириктирилган ўқитувчининг Ф.И.Ш	Ўқитувчига бириктирилган микро участканинг аниқ манзили	Ўқитувчига бириктирилган микро участкада яшовчи хонадонлар сони	Уларда болалар сони	Улардан мактаб ёшидаги болалар сони	Шу мактабда ўқийётган жами болалар сони	Улардан мазкур мактабда ўқийётган синфлар кесимида болалар сони									Бошқа мактабларда ўқийётган болалар сони	Сабабли ўқимаётган болалар сони	Сабабсиз ўқимаётган болалар сони
							1-синфда	2-синфда	3-синфда	4-синфда	5-синфда	6-синфда	7-синфда	8-синфда	9-синфда			
1																		
2																		
3																		
4																		
ва ҳ.к.																		

Мактабга бириктирилган ҳудудда жами:

Мактабга бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларнинг ҳисобини олиб боришга масъул ходимнинг имзоси

(Эслатма: Умумлаштирилган ҳисобот шаклига 1 ва 9-синф ўқувчиларининг рўйхатлари илова қилинади. Бошқа мактабда ўқийётган ўқувчилар ҳақида ушбу мактабда берилган тегишли маълумотнома илова қилинади. Сабабсиз ўқимаётган ўқувчилар ҳақида батафсил маълумот мактаб директориға тақдим этилади ва уларни ўқишга қайтариш чоралари кўрилади.)

_____ вилояти, _____ туманида болаларнинг умумий ўрта таълим билан қамраб олиниши тўғрисида маълумотлар (киши) 4-жадвал

Т/р	Мактаб рақами	Таълим муассасаси (мактаблар)га бириктирилган микроҳудудда истиқомат қилувчи, мактаб ёшидаги (7-15 ёш) болалар сони		Умумтаълим мактабларида таълим олаётган болалар сони (касаллиги туфайли яқка тартибда уйда ва ақлий ёки жисмоний ривожланиши заиф болалар мактабларида таълим олаётганларни қўшган ҳолда)		Умумтаълим мактабларида таълим олмайдиган болалар сони		Улардан:				Болаларнинг умумий ўрта таълим билан қамраб олиниши (фоизда)	
								Ногиронлиги ёки беморлиги сабабли		Айрим ижтимоий сабаблар буйича			
		жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

М.У Раҳбар имзоси

(Ф.И.Ш.)

_____ вилоятида болаларнинг умумий ўрта таълим билан қамраб олиниши тўғрисида маълумотлар (киши) 5-жадвал

Т/р	Туман(шаҳар)	Таълим муассасаси (мактаблар)га бириктирилган микроҳудудда истиқомат қилувчи, мактаб ёшидаги (7-15 ёш) болалар сони		Умумтаълим мактабларида таълим олаётган болалар сони (касаллиги туфайли яқка тартибда уйда ва ақлий ёки жисмоний ривожланиши заиф болалар мактабларида таълим олаётганларни қўшган ҳолда)		Умумтаълим мактабларида таълим олмайдиган болалар сони		Улардан:				Болаларнинг умумий ўрта таълим билан қамраб олиниши (фоизда)	
								Ногиронлиги ёки беморлиги сабабли		Айрим ижтимоий сабаблар буйича			
		жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар	жами	шу жумладан, қизлар
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

М.У Раҳбар имзоси

(Ф.И.Ш.)

Бойсун тоғлари ўзининг гўзал табиати, ҳайвонот дунёси ва наботот олами билан машҳур, сир-синоатларга бой. Ана шундай ноёб табиий ёдгорликлардан бири шаҳар марказидан 24 километр узокликда, тоғлар бағрида жойлашган Гуматак қишлоғидан топилган динозавр излари ҳисобланади.

Илм-фандан маълумки, бундан 300 миллион йил муқаддам судралиб юрувчилар сувдан куруқликка чиқа бошлайди. Биология дарсликларидида «динозаврлар» дея аталадиган ушбу жонотларнинг турлари кўп бўлган. Айрим тур жониворларнинг тана узунлиги 14 метрдан ортиқ, бўйи 20—25 метр, оғирлиги 30—35 тоннани ташкил этган. Куруқликдаги динозаврларнинг катта қисми ўсимликлар билан озикланган бўлса-да, улар орасида гўштхўр йиртқичлари ҳам бўлган. Оёқларидаги улкан тирноқлар, йирик тишлар сабаб, улар сайёрадаги энг катта йиртқичлардан бири сифатида тарихда қолган. Кичик ва тез чопадиган динозаврлар хар қандай ҳайвонга тўп-тўп бўлиб ҳужум қилиши билан ажралиб турган.

фикрича, Гуматак қишлоғидаги тошларга муҳрланиб қолган излар бундан 65 миллион йил илгари яшаган динозаврларга тегишли. Бу излар Парахвана деган жойга яқин Каттакамар худудининг устки қисмидаги тепалиқдан топилган бўлиб, унинг сатҳи 15—20 квадрат метр атрофида. Ёмғир, сел сувлари сабаб, динозавр излари кўзга ташланадиган даражада очилиб қолган. Аввалига улкан харсангининг катта қисми шағал ва тупроқ остига кўмилган эди. Кейин аста-секинлик билан улкан тошнинг устки

Noyob yodgorliklar



ГУМАТАКДАГИ ДИНОЗАВР ИЗЛАРИ

Ноёб топилмалар ўлкаси ҳисобланган Гуматак қишлоғидаги 53-умумтаълим мактаби директори, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Рамазон Абдуллаев билан кўп йилдан буён танишмиз. У Қарши давлат педагогика институтини тугатганидан буён, мана қирқ беш йилдири, ушбу соҳада ишлаб, ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. Меҳнат фаолиятини 1963 йили Бойсундаги 17-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган, 1986 йилдан шу билан даргоҳида директор лавозимида фаолият юритаёттир. Тадбиркор муаллим мактабда раҳбар бўлиб ишлаган йиллари ўзи ва ҳамкасблари сайё-ҳаракати билан мактаб қурган эди. Унгача Гуматак қишлоғида бирорта мактаб бўлмаган. Рамазон Абдуллаев бир неча чақирим узокликдан қатнаб ишларди. Атроф гувиллаган арчазор — баланд тоғлар, хар хил ёввойи ҳайвонлар ҳам учраб турарди. Шу боис фидойий ўқитувчи гуматаклик ўқувчиларни эрталаб тўплаб, мактабга ўзи олиб борар, дарсдан сўнг бирга қайтарди...

Баъзан тоққа йўлим тушганда Рамазон Абдуллаев билан суҳбатлашаман. Гуматак қишлоғидаги динозавр излари ҳақида бу инсондан кўпроқ билидиган топилмас керак.

— Қадимдан қишлоқ қариялари тошлардаги турли-туман излар тўғрисида гапириб юришарди. Бу тур-

ли хил ҳайвон туёқлари ва қушлар излари бўлган. Улар қаҳида турфа хил афсоналар ҳам кенг тарқалган. Лекин қишлоқ атрофида топилган катта-катта ботик ва чуқур излар кимга тегишли экани, уларнинг қачон ва қандай пайдо бўлганини ҳеч ким изоҳлаб беролмасди. Чунки бир замонлар ҳали тошлар қотиб улгурмаган пайтда туширилган ушбу «муҳр»лар жумбогини ечишга ақл бовар қилмасди.

Бундан ташқари, тоққа қазилма бойликларини ўрганиш учун геологлар келиб туришарди. Улар қишлоқ аҳолисидан сирли изларга доир маълумотларни эшитиб, ғайриоддий топилмага қизиқиши ортган. Таъкидланишича, Гуматакдаги динозаврлар изини биринчи марта 1983 йили палеонтолог, фан доктори В.Курбатов қишлоқ одамларидан суриштириб топган ва уларнинг тарихий ноёб топилма эканини асослаб берган.

Маълумотларга кўра, динозаврлар ер юзида энг узок яшаган мавжудотлардан ҳисобланиб, уларнинг сайёраимиздаги умргузаронлиги 160 миллион йил давом этган. Олимларнинг

қисми тупроқ, майда тошлардан тозаланиб, тошдаги излар очилди. Атрофда, чуқур ер остида шағал ва тупроққа кўмилган улкан тошларда ҳали қанча номаълум излар бор?!

Тадқиқотчилар хулосасига кўра, ўша замонларда Бойсун тизмаси энди ўсаётган ёш тоғлар кўринишида бўлиб, табиий иқлимда намлик даражаси юқори эди. Қолаверса, қучоққа сиймайидиган баланд дарахтлар, игнабаргли ўсимликлар динозаврлар яшаши учун жуда қулай шароитни вужудга келтирган.

Айтиш зарурки, ноёб топилма неча йиллардан бери олимларнинг эътибор марказидан тушмай келмоқда. Хусусан, 1987 йили Украина Республикаси фанлар академияси академиги, профессор О. Вялов бошчилигида собиқ иттифоқнинг Палеонтология жамияти ҳамда бир қатор йирик илмий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган экспедиция гуруҳи тоғлар орасида жойлашган Бойсун тумани «Кўрғонча» жамоа ҳўжалигининг Гуматак қишлоғида тўпланиб, қатор изланишларни олиб боришган. Албатта, қишлоқ аҳолиси ва

зиёлилар ҳам бу ишларда фаол қатнашганлар.

Академик О. Вялов бошчилигидаги илмий тадқиқотлар якуни натижаларига бағишланган илмий нашрда Гуматак қадимда динозаврлар макони бўлгани ҳақидаги илмий хулосалар атрофлича асослаб берилгани эътиборга молик. Мутахассислар ва айна пайтда кенг оммага мўлжалланган ушбу илмий асарда, шунингдек, Гуматакдаги излар шакллари, тури, қайси динозаврга тааллуқли экани ҳам атрофлича баён қилинади, дейди Р.Абдуллаев.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Гуматак нафақат ноёб топилмалари, балки гўзал ва бетакрор табиати билан ҳам кўпчиликнинг эътиборига тушган. Бугун глобал миқёсдаги экологик муаммолар тоғ бағрида жойлашган мўъжаз қишлоққа ҳали яқинлашгани йўқ. Гўша дарё ва булоқларининг суви ҳатто қайнатмай ичса бўладиган даражада тоза, мусаффо. Маҳаллий аҳоли ва табиат жонкуярларининг айтишича, қишлоқ атрофидаги битта ҳам арчани кесишга йўл қўйилмайди. Гуматакдаги 53-умумтаълим мактаби ди-

ректори Рамазон Абдуллаевнинг сўзларига кўра, ўкув масканининг 2 гектар боғи бўлиб, айна вақтда парваришланаётган 320 туп олма, 180 туп ўрик, 180 тупдан ортиқ бодом, 350 туп жийдадан бу йил мўмайгина даромад олиш мўлжалланмоқда. Тоғ шароитида ёнғоқ, олма, терак каби дарахтлар ҳам яхши ўсгани боис кўп йилда уларни ҳам жўп экиш режалаштирилмоқда. Мана шу тариқа, бир қарашда арзимас кўринган сайё-ҳаракатлар орқали аслида табиатни улкан хавфлардан асрашга аҳоли ва ўсиб келаётган авлодни ўргатиш, уларнинг қалбида табиатга меҳр туйғуларини уйғотиш каби ишлар кишини қувонтиради.

Бугун тоғлар бағридаги мўъжазгина қишлоқ — Гуматак динозавр излари каби ноёб топилма билан илм аҳлига танилди. Бу ерлардаги гўзал табиатни асраш йўлида хизмат қилишдан толмаётган оддий, аммо фидойий қишлоқ ўқитувчиси, «Антик дунё» халқаро академиясининг фахрий профессори Рамазон Абдуллаев ва унинг шоғирдлари кун келиб, Гуматак қишлоғидаги янги изларни, осори-атиқаларни топиб, дунёга танитса, ажаб эмас. Боиси, қадимий қишлоқнинг тадқиқотчилар ташрифига илҳақ сирлари кўпга ўхшайди...

Очил ТОШҚУЛОВ

реклама * реклама * реклама * реклама * реклама * реклама * реклама

Азиз ва муҳтарам Бахтиёр РУСТАМОВ!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Ҳазорасп туманидаги 41-умумтаълим мактабида болаларга рус тили ва адабиёти фанидан илм зиёсини етказишдаги машаққатли, айна дамда шарафли ўқитувчилик касбингизда доимо омадлар ёр бўлсин. Оилавий ҳаётингиз шодлик, бахт-саодат, завқ-шавққа тўлиқ бўлсин.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан шоғирдларингиз ва фарзандларингиз.

«STEEL PANTERA» МЧЖ ЯНГИ АУДИО-АЛЬБОМЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Зулхумор Мўминова ижросидаги «Шарқ эртаклари» янги аудиоальбоми сотувга чиқарилди.


Шунингдек, сиз дўконларимиз тармоғидан «Ўзбек халқ эртаклари», Фафур Фуломнинг «Шум бола» асари ва бошқа аудиоальбомларни харид қилишингиз мумкин.

Бизга қуйидаги телефон орқали мурожаат қилинг. (+99871) 245-70-86.

ВЕБ- ФОЙДАЛАНУВ- ЧИЛАРИГА ХОС ЭХТИЁТСИЗЛИК

Кэмбриж университети (Буюк Британия) қошидаги Компьютер хавфсизлиги лабораторияси илмий ходимлари ўтказган тадқиқотда кўплаб интернет фойдаланувчилари тармоқда ишлаётганда эҳтиётсизликка йўл қўйиши аниқланди. «agXiv» манбасида баён этилишича, уларнинг аксарият қисми ҳатто хавфсиз калитсўз(парол)дан фойдаланишни ҳам билмайди.

Тадқиқотчи Жозеф Боннонинг таъкидлашича, изланишда 70 миллионга яқин аноним веб-фойдаланувчиларнинг саҳифаси, электрон манзили ёки профайлини очишда иш-



латадиган калитсўзлар таҳлил этилган. Бунда демографик ахборот, сайтларга кириш статистикаси ҳам эътиборга олинган. Аниқланишича,

барча демографик гуруҳларда калитсўзларнинг мураккаблик даражаси кутилганидан ҳам паст экан. Фойдаланувчилар кўп ҳолларда ҳатто банк карточкалари ёрдамида пул ўтказмалари операцияларини амалга оширишда ҳам эҳтиёт бўлиш ҳақида ўйлаб кўрмас экан.

Тадқиқотда осонликча топиб бўлмайдиган мураккаб калит сўзларни Германия ва Корея компьютер усталари ишлатиши, энг соддаларидан эса индонезияликлар фойдаланиши маълум бўлди. Қолаверса, катталар ёшларга нисбатан веб хавфсизлик масалаларига жиддийроқ қарашар экан. Эътиборлиси, бугун интернетда мавжуд барча калитсўзларнинг атиги 1 фоизини ўнта уринишда аниқлаш мумкин экан, қолган 99 фоизи учун эса ўртача 3-4 уриниш кифоя.



ГАРМДОРИ — ДАРМОНДОРИ

Гонконг университети олимлари аччиқ қизил қалампир юрак қон томирлари хасталикларига қарши кучли восита бўлиши мумкинлигини аниқлашди. Тадқиқотда асосий эътибор алкалоид капсуцин моддасига қаратилган бўлиб, айнан шу модда гармдорининг турли навларига аччиқ таъм беради. Мавзуга оид мақола «Мэдикал Экспресс» манбасида берилди.

Таъкидланишича, капсуцин артритга қарши ва оғриқни қолдирувчи бошқа турдаги малҳамларни ишлаб чиқаришда кенг қўлланилар экан. Яқинда қизил қалампир қўшилган таом қон босимини тушириши, қондаги холестерин концентрациясини камайтириши ва томирларда хавfli тикчилар ҳосил бўлишининг олдини олиши аниқланганди. Охирги изланишда эса капсуцин юракка икки усул орқали ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлиги қайд этилди. Биринчидан, қондаги «ёмон» холестерин миқдорини тушириб, унинг тўпланишига йўл қўймайди, зарarli moddani parchalab, organizmdan chiqarib tashlashga ko'maklashadi. Эътиборлиси, алкалоидлар «яxши» холестерин концентрациясига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Иккинчидан, капсуциноидлар суслооҳуспенсе-2 моддасини ишлаб чиқарувчи ген фаолиятини тўхтатади. Олимларнинг сўзларига кўра, бу модда қон томирлари атрофидаги мушакларнинг қисқаришига замин яратади. Бу, ўз навбатида, юрак ва бошқа органларни қон билан таъминлашга халал бериб, уларнинг фаолияти бузилишига олиб келар экан. Ушбу моддани ишлаб чиқарувчи ген фаолиятини тўхтатиш орқали эса мушакларни бўшаштириб, қон айланишини яхшилаш мумкин.



Шундай қилиб, тадқиқотчилар капсуциноидлар юрак ва қон томирлар саломатлигига ижобий таъсир кўрсатувчи қатор хусусиятларга эга, деган хулосага келишган. Айни пайтда қалампирни меъёрида истеъмол қилишни ҳам тавсия этишмоқда.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



«Туллов ойл» («Tullow Oil») Англия-Ирландия қўшма корхонаси мутахассислари Кениянинг шимоли-ғарбидаги Туркана ҳудудида мамлакат тарихида илк мэротаба кутилганидан ҳам каттароқ захирага эга нефть конини аниқлашнинг урдасидан чиқиди.

Океанортининг Флорида штати Деланд шаҳрида жойлашган «Пабликс» («Publix») супермаркетлар тармоғидаги савдо дўконларидан бирига енгил моторли самолётнинг келиб урилиши оқибатида учувчи ва бир нафар йўловчи ҳамда беш нафар дўкон харидори жароҳат олган.

Франция шимолидаги «Пенли» атом электр станциясида радиактив сув сизиб чиқиб кетиши оқибатида иккита кичик ёғин қузатилгач, реактор автоматик тарзда дарҳол тўхтатилган ва тезкор хатти-ҳаракатлар натижасида ҳеч ким жароҳат олмаган.

Германия шимолидаги Зигмундсхал калий конида 1200 метр чуқурликда ишлаётган ишчилардан бирининг эҳтиётсиз ҳаракати оқибатида бир нафар қончи ҳалок бўлган, 27 нафари газ билан захарланган, улардан икки нафарининг ахволи оғир экани маълум қилинмоқда.

Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар

ИЛМГА ЧАНҚОҚ ЁШЛАР ДИҚҚАТИГА!!

Замон билан ҳамнафас, давримизнинг ўз соҳаси бўйича кучли мутахассиси бўлишни истаган азиз ёшлар! Сиз учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ўз эшикларини очади!

Келажак кучли, билимли ва, албатта, бахтли ёшлар қўлида! Билим ўрганишга шошилиш! Тошкент ислом университетининг ўқув марказида 2012 йил 1 апрелдан эътиборан қуйидаги янги ўқув курсларида машғулотлар бошланади:

1. Инглиз тили курслари (3 ойлик, ҳафтада 2 марта, мини-гуруҳлар):

- Beginner, Elementary, Pre-Intermediate, Intermediate, Upper-Intermediate — 60 000 сўм.
- English for Kids (болалар учун) — 50 000 сўм.
- IELTS — 150 000 сўм.

2. Компьютер саводхонлиги курслари (2 ойлик, ҳафтада 2 марта):

- Дастурлаш асослари (Pascal, C++, Delphi) — 50 000 сўм.
- HTML + CSS — 70 000 сўм.
- JavaScript — 70 000 сўм.
- PHP + MySQL — 80 000 сўм.
- Компьютер жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш — 60 000 сўм.
- Компьютер тармоқларини созлаш (интернет, Wi-Fi) — 50 000 сўм.

- Компьютер графикаси ва дизайн — 50 000 сўм.
- Веб-саҳифа яратиш (Joomla) — 50 000 сўм.

3. Бизнес курслари (ҳафтада 2 марта):

- Бухгалтерия ҳисоби (нолдан балансгача) — 2 ой, 70 000 сўм.
- Бухгалтерия ҳисоби (CAPга тайёрлаш) — 3 ой, 100 000 сўм.
- Бошқарув ҳисоби (CAPга тайёрлаш) — 2 ой, 100 000 сўм.

4. Тайёрлов курслари (махсус жадаллаштирилган, 3 ойлик, ҳафтада 2 марта):

- ижтимоий-гуманитар (тарих, маънавият, она тили, чет тили) — 450 000 сўм.
- аниқ фанлар (математика, физика, она тили, чет тили) — 450 000 сўм.
- ўрта махсус ислом билим юртлари учун (она тили, маънавият, тарих, чет тили) — 450 000 сўм.

БИЗНИНГ ҚУЛАЙЛИК ВА УСТУНЛИКЛАРИМИЗ:

- ✓ Ўқув курслари бўйича бепул электрон ва босма ўқув қўлланмалар тақдим этилади;
- ✓ Машғулотлар илгор педагогик ва инфорацион технологиялар асосида, замонавий техник воситалар билан жиҳозланган лингафон ва компьютер хоналарида ташкил этилади;
- ✓ Юқори малакали, хорижда тажриба орттирган профессор-ўқитувчилар дарс беради;

- ✓ Шаҳарнинг марказида, барча учун қулай жойлашганмиз;
- ✓ Тўловнинг барча турлари (нақд, терминал, пул ўтказиш);
- ✓ Кириш ва якуний тестлар ёрдамида ўқши самарадорлиги аниқланади;
- ✓ Ўқув юртларига кириш бўйича бепул маслаҳатлар берилади;
- ✓ Тингловчилар ТИУнинг ахборот-ресурс марказидан бепул фойдаланадилар.

Манзилимиз: **Шайхонтохур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.**
Мурожаат учун телефонлар: **244-95-99, 244-00-56, 244-96-53. www.TIU.uz**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ректорати 2011-2012 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари асосида иш жойларига тақсимлашга киришганини маълум қилади. Университетнинг бугунги кун талабларига мос келадиган битирувчи бакалавр ва магистрларига эҳтиёжи бўлган корхона раҳбарлари уларга келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида ташкилотимизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маош, турар жой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида университет раҳбариятига шу йилнинг 15 апрелига қадар талабнома ва сўров хати билан мурожаат қилишни сўраймиз. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини 2011-2012 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида маълумотни илова қиламиз (г—давлат гранти асосида, ш—шартнома асосида).

Маълумот учун телефон: 275-89-55, ЎзДЖТУ Маркетинг хизмати бўлими факси: 275-09-91
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100138, Кичик ҳалқа йўли, Г-9 А мавзеси, 21-«А» уй

БАКАЛАВРИАТ

Шаҳар (туман) ва вилоятлар	Таълим йўналишлари, мутахассисликлар		1-инглиз филологияси		2-инглиз филологияси		Таржимонлик факультети		Немис филологияси		Француз филологияси		Испан филологияси		Рус филологияси		Халқаро журналистика		Хитой филологияси		Жами	
	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш
	Тошкент шаҳри	Якқасарой тумани	3	4	3	10	2	3		2			1		1	2		1	1			11
Шайхонтоҳур тумани	7	5	9	14	3	5		1		1	2	3	2	2		4	1			24	35	
Учтепа тумани	5	7	6	10		4				1	1	1	2	1	2	1		1	1		16	27
Юнусобод тумани	9	17	8	13	1	4	2	2	3	1	2	3			2	1	1				26	43
Сирғали тумани	10	7	3			1					1				1	2	1	1			15	12
Чилонзор тумани	16	13	11	30	3	1					2	2	1	2	1	3	1	2	1	1	36	54
Ҳамза тумани	4	9	6	10		3			1				2	1	2		2				11	29
Миробод тумани	5	1	4	4		1			4	1			1	1	1			1		1	11	14
Мирзо Улғубек тумани	3	10	8	8		1			2				1	1	1					1	12	24
Олмазор тумани	4	10	4	12		2					1				1	2	2	1	1	1	12	29
Бектемир тумани		1	3	2											2						3	5
Жами:	66	84	65	113	9	25	2	12	7	7	8	14	9	21	6	13	5	5			177	294
Вилоятлар	Андижон вилояти	3	5	3	2		2		1						1	1					7	11
Бухоро вилояти	14	19	10	8	1				6	9	9		1			1					35	43
Жиззах вилояти	4	8	1	1	2	1	9	2			1			1			2				17	15
Наманган вилояти	5	14	8	14	2				4	1	2			1			1		1		17	36
Навоий вилояти	2	2	3	6	1			5	3	5	3	1									17	14
Самарқанд вилояти	8	8	6	9		5	10	14	2	11	1	2	1	1		1					28	51
Сурхондарё вилояти	7	5	6	12	1	2	2	2	1		1	2	3	2	5	6			1		26	32
Сирдарё вилояти	6	7	3	1		2			3	1				1	2						11	15
Фарғона вилояти	10	11	8	8		3	2	6			4		1	5							25	33
Хоразм вилояти	8	14	11	15	4	5	2	1	4	13		1	1		1	1					31	50
Қашқадарё вилояти	23	34	18	27	8	6	13	20	4	1	1		2	4	1	2			1		70	95
Тошкент вилояти	19	33	13	33	2	4	9	3	2	4		3	3	6	1	5	1	1			50	92
Қорақалпоғистон Республикаси	7	9	4	12	2	2	1	1			1			1	1					1	15	27
Умумий жами:	182	253	159	261	32	57	55	78	36	55	13	24	26	38	17	32	6	10			526	808

МАГИСТРАТУРА

Шаҳар (туман) ва вилоятлар	Таълим йўналишлари, мутахассисликлар		Инглиз лингвистикаси		Немис лингвистикаси		Француз лингвистикаси		Славян лингвистикаси		Испан лингвистикаси		Таржима назарияси ва амалиёти		Халқаро журналистика		Адабиёт-шунослик (инглиз адабиёти)		Жами		
	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	
	Тошкент шаҳри	Якқасарой тумани	2													1				2	1
Шайхонтоҳур тумани		1							1					3				1		7	
Учтепа тумани	1	10		1							1								1	12	
Юнусобод тумани	1	8		3			1	1			1				2	1	2		3	17	
Сирғали тумани		1													3					4	
Чилонзор тумани	1	4					1	1	3		1	1	1		1				3	11	
Ҳамза тумани		3																		3	
Миробод тумани		2											1	1					1	3	
Мирзо Улғубек тумани		5										1	3							9	
Олмазор тумани		2							1						1	1	1		2	4	
Бектемир тумани											1									1	
Жами:	5	36		4		2	3	4		5	1	8	1	9	2	4			12	72	
Вилоятлар	Андижон вилояти		1		1													1		3	
Бухоро вилояти		2				1			1										1	3	
Жиззах вилояти	1	3																	1	3	
Наманган вилояти	1	2		1															2	2	
Навоий вилояти						1						1							1	1	
Самарқанд вилояти					2		2													4	
Сурхондарё вилояти	1	1								1	1				1				2	3	
Сирдарё вилояти														1						1	
Фарғона вилояти		3									2		1				2			8	
Хоразм вилояти							4						1	1					1	5	
Қашқадарё вилояти		5	1		1										1				2	6	
Тошкент вилояти	2	1				1			1		1	1	2					1		3	7
Қорақалпоғистон Республикаси																					
Умумий жами:	10	54		7	3	9	3	6	1	9	2	13	3	11	2	8			26	117	

МУСОБАҚАЛАР МУҲИМ БОСҚИЧДА

Самарқанд вилоятида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг саралаш bosқичи ўтказилди. Унда иқтидорли ўғил-қизлар аниқланиб, вилоят терма жамоалари шакллантирилди.

Навоий шаҳри мезбонлик қиладиган финал bosқичида иштирок этиш учун ўтказилаётган мусобақалар кескин ва мурасасиз курашларга бой бўлди. Спортнинг 12 тури бўйича беллашган умидли ёшлар ўз имкониятларини тўла намойиш этишга интилишди. Пастдарғом туманида ўтказилган баскетбол мусобақасида (ўғил болалар) Самарқанд шаҳри жамоасининг қўли баланд келди. Пахтачи туманида бўлиб ўтган баскетболчи қизлар мусобақасида ҳам Самарқанд шаҳри жамоаси 1-ўринни банд этди.

Ургут туманида ўғил болалар жамоалари волейбол учрашувларига жам бўлишди. Унда мезбон жамоа зафар қозонди. Қизлар мусобақасида Самарқанд шаҳри волейболчилари 1-ўринни эгаллади.

Оқдарё туманида қўл тўпи бўйича ўғил болалар ўртасидаги мусобақада Самарқанд шаҳри жамоасига тенг келадигани топилмади. Гандболчи қизлар Булунгурда куч синашди. Унда 1-ўрин мезбонлар жамоасига nasib этди.

Жомбой тумани футбол майдонларидаги матчларда ҳам мезбон

жамоа муваффақият қозонди. Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган энгил атлетика мусобақасида шахарлик ўқувчилар биринчи ўринни қўлга киритди.

Нарпай туманида ўтказилган стол тенниси мусобақасида Самарқанд шаҳри жамоаси 1-ўринга лойиқ эканини исботлади. Шахмат бўйича Тайлоқ тумани мезбонлик қилган учрашувларда Самарқанд шаҳри жамоаси шохсупага кўтарилди.

Нуробод туманида миллий кураш бўйича қизгин тарзда ўтказилган беллашувларда Пайриқ тумани жамоасининг елкасини ерга тегизадиган жамоа топилмади. Белбоғли кураш бўйича Каттакўрғон шаҳрида яқунланган мусобақада эса мезбон туман жамоаси биринчи ўринни ўзида

сақлаб қолди. Шу туманда кечган яна бир мусобақа — бадий гимнастика синовларида Самарқанд шаҳри ва Пастдарғом тумани жамоалари 1-ўринга лойиқ деб топилди. «Умид ниҳоллари—2012» мусобақаси вилоят саралаш bosқичининг спорт гимнастикаси мусобақаларида ҳам Самарқанд шаҳри спортчилари барча рақибларини ортда қолдирди.

Айни пайтда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари республика bosқичида қатнашадиган вилоят терма жамоалари шакллантирилиб, иқтидорли спортчи ўқувчилар малакали устоз-мураббийлар кўмағида халқ қилувчи беллашувларга тайёргарлик кўришмоқда.

ҲАКИМ ЖҲҲРАЕВ

Самарқанд вилояти

Кун иecha Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда спортчиларимизнинг 2011 йилги мавсумда қўлга киритган муваффақиятлари, 2012 йилнинг истиқболли режалари, хусусан, Лондонда бўлиб ўтадиган XXX Ёзги Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига вакилларимизнинг тайёргарликлари натижасига баҳо-ланди.

Матбуот анжуманида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Паралимпия миллий ассоциацияси мутасадди вакиллари, республикадаги Олий спорт

даллар шодасига сазовор бўлишган. Бу 2010 йили жамғарилган медаллар сонидан 23тага кўп.

Оммавий ахборот воситалари ходимларига Лондонда ўтказиладиган ёзги Олимпия ва Пара-

ҒАЛАБАЛАР САЛМОҒИ ОРТМОҚДА

махорати мактаблари директорлари ва таникли спорт мутахассислари иштирок этишди.

Тадбир давомида 2011 йили турли спорт мусобақаларида қўлга киритилган муваффақиятларимизга бир қур назар ташланди. Маълум бўлишича, она юртимиз шарафини халқор спорт мусобақаларида 253 бор ҳимоя қилган спортчиларимиз жами 235та олтин, 229та кумуш ва 325та бронза (жами 789та) ме-

лимпия ўйинларига спортчиларимиз ҳозирча 46та йўлланмани нақд қилиб қўйгани хақида ҳам айтилди. Олимпиадага қадар яна қўлга киритилиши кутилаётган йўлланмалар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Албатта, бунинг учун спортчиларимиз сўнгги саралаш мусобақаларида матонат кўрсатиб, керакли очколарни тўплашлари керак.

Рисолат ҲАСАНОВА,
ТДИУ талабаси

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР

Юртимизда оммавий спорт турлари билан бирга ота-боболаримиз туш кўрган ҳаракатли ўйинларни қайта қишлоқ, ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Бундай ўйинлар фарзандларимизнинг миллий характери, ўзбекистон озу гурури, иродаси шаклланишида ўз ўрнига эга.

Бизнинг мактабда ҳам спортнинг бир қанча турлари бўйича тўғарақлар ташкил этилган бўлиб, ўнлаб ўғил-қизларимиз спорт сирларини ўлаштираётганда, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Бирок миллий ва ҳаракатли ўйинларни тарғиб қилишда бир қатор муаммоларга дуч келяпмиз.

Маълумки, «Спорт» телеканали орқали халқимизнинг қадимги ҳаракатли ўйинлари хақида роликлар бериб борилмоқда. Очиғи, уларни ойнаи жаҳон орқали ўрганиш мушкул. Чунки ушбу қисқа роликлар давомида уни тезда қозғашга тушириб ёки видеотасмаларга ёзиб олишнинг имкони йўқ.

ДОИРАДАН ЧИҚАР

Ўйинда бир неча бола иштирок этиши мумкин. Айлана бўйлаб бир-бирдан 40—50 см ораликдаги кичик доирачалар чизилади ва ўйинчилар шу доирачада ўтирашади. Бир бола бир оёқлаб улар атрофида сакраб туради ва у ўтирганлардан кимнидир доирадан чиқариб юборишга ҳаракат қилади. Ўйинчининг битта оёғи ҳам доирадан ташқарига чиқиб кетса, ўйиндан чиқариб юборилади.

Ўйин қоидалари. Ўтирган ўйинчилар гоҳ-гоҳида қўллари билан полга (ёки ерга) тегиши мумкин. Турган ўйинчи ўтирганларни кучли туртиши керак эмас. Тек турган ўйинчи сакрашган оёғини алмаштириб олиши мумкин.

Матбуот саҳифаларида чоп этилган маълумотлар эса ўқувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам бирдек фойдали.

Ўқувчиларнинг энг яқин кўмакчиси — «Ma'rifat» газетасининг 2012 йил 12 январдаги сонида «Ҳаракатли ўйинларга эътибор» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Бир гуруҳ олимлар томонидан чоп этилган «500 ҳаракатли ўйинлар» китоби хақида маълумот ва ўйинлардан намуналар берилганди. Афсуски, кам нусхадагина босилган ушбу муҳим китоб биз томонларга етиб келганича йўқ. Агар ҳаракатли ўйинлардан намуналар республика нашрларида, хусусан,

Ушбу қунончак ўқувчиларнинг фикрларини инобатга олиб, «500 ҳаракатли ўйинлар» китобидан ўқувчиларнинг ёшига, таълим муассасаларининг шароитига мос ўйинларни бериб беришни мақсад қилдик. Қўйида китобнинг «Мактабгача ёшдаги болалар учун» бўлимида «Доирадан чиқар» ўйинини, «Миллий ўйинлар» бўлимида «Менинг жойим қани?» ўйинини ва «Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун» бўлимидаги «Энг чаққон» ўйинини ҳавола этмоқдамиз.

МЕНИНГ ЖОЙИМ ҚАНИ?

Бу ўйинни бир неча бола ўйнайди. Улар ўзлари учун айлана «ушчалар» чизиб олади. Ўйин бошлагани «Қадам бос!» дейиши билан болалар 50—100 метр масофага югуриб кетадилар. Бошлиқ эса бир «уй»га жойлашиб олади ва қўлини тепага кўтарди. Шу пайт ҳамма югуриб келади.

Кимга жой етмаса, ўша ютқазган ҳисобланади ва ўзи билан шеърлардан бирини айтади ёки ўйнаб беради.

«Ma'rifat» газетаси саҳифаларида мунтазам бериб борилса, нур устига нур бўларди. Бу ўйинлардан фақат жисмоний тарбия сабоқларидагина эмас, балки бошқа дарслар мобайнида ҳам фойдаланиш мумкин. Қолаверса, ҳаракатли ўйинлар ўқувчиларнинг бўш вақти ёки таътил фурсатларини ҳам мазмунли ўтказиши учун жуда муҳим.

Шомухиддин ШОУМРИЯЕВ,
Паркент туманидаги 29-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

ЭНГ ЧАҚҚОН

Ўйинда 6-8 нафар бола қатнашади. Текис жойга тўнка, курси ёки қути қўйилади. У «тўнка» дейилади. Ким биринчи, ким иккинчи эканлиги қуръа ташлаб белгилаб олинади. Болалар «тўнка» устига ўз буюмларини қатор қилиб қўядилар. Сакрашга рухсат берилганда биринчи бола югуриб келиб сакрайди ва шу пайтда ўз буюмини олиб, ўтиб кетишга ҳаракат қилади. Олиб кетса, бир очкога эга бўлади, ололмаса очко берилмайди. Агар сакраётган бошқа боланинг буюмини тушириб юборса, олдин олган бир очкосидан маҳрум бўлади.

Болалар бир неча марта сакраши мумкин. Энг кўп очко олган бола ғолиб бўлади ва уни «энг чаққон» деб аташади.

эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош мутахассиси Элёр Қўличев муносиб топилди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош хисобчиси Флюра Солиқовага тенг келадигани топилмади. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши компьютер бўйича мутахассиси Нафиса Файзуллаева 2-ўринга лойиқ топилган бўлса, 3-ўрин Ўзбекистон Фанлар академияси бўлим бошлиғи Фариди Нийёзовага nasib этди.

Сурайё СИРОЖИДДИНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири



ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси бош соврини учун ўтказилаётган мусобақанинг ярим финалига йўлланма олган жамоалар номи маълум бўлди.



«Барселона» ўз майдонидан Италиянинг «Милан» клубини 3:1 ҳисобида енгди. Шу кун и Мюнхеннинг «Бавария»си Марселдан келган «Олимпик» футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлуб этди. Мадриднинг «Реал»и АПОЭЛ (Кипр)ни йирик ҳисобда (5:2) ютди. Лондонда португалияликларнинг «Бенфика» жамоасини қабул қилган «Челси» қийинчилик билан бўлса-да (2:1) ғалабага эришди.

«Челси» ва «Барселона», «Бавария» ва «Реал» ўртасидаги мурасасиз матчларнинг дастлабкисига 17-18 апрель кунлари, жавоб ўйинларига эса 24-25 апрелда гувоҳ бўламиз.

СОБИҚ «ҚИРОЛИЧА» ЕНГИЛДИ

Америкалик теннисчи Винус Уильямс Чарльстонда ўтказилаётган «Wild card» турнирининг иккинчи тур баҳсларида яқингача жаҳон рейтингининг биринчи поғонасига турган Елена Янкович устидан 7:5, 6:0 ҳисобида устунликка эришди.

Қизикarli ҳолатларга бой бўлган учрашув 2 соат давом этди. Аста-секин спорт формасини тиклаб бораётган Уильямснинг кейинги турдаги рақиб австралиялик таникли спортчи Анастасия Родионова бўлади.

Россиялик Надежда Петрова эса бошқа бир америкалик теннисчи Жилл Крэйбасга қарши қортуа тушиб, у 2:6, 7:6 (10:8), 6:2 ҳисобида енгди. Петрова галдаги турда ҳамюрти Анастасия Павлюченковага қарши қортуа қилди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур турнирнинг умумий ютуқ жамғармаси 740 миң долларни ташкил этади.



АҚЛ МУҲОРАБАСИ

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси ходимлари ўртасида Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида шахмат мусобақаси ташкил этилди.

Ушбу мусобақа таълим, илмий ва маданият муассасаларида фаолият юритаётган ходимларини спортга йўналтириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкил қилинди.

— Ақлий меҳнат билан спортни уйғунлиқда олиб бо-

риш инсоннинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етук бўлишига хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг маданият-маърифий ва спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси Маҳмуда Мурзаева.

Баҳсларда иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўзаро беллашдилар. Мусобақа аёллар ва эркеклар ўртасида ўтказилди. Ҳар бир ўйин учун 30 дақиқадан вақт ажратилди.

Мусобақа натижаларига кўра, эркеклар ўртасида 1-ўринга Ўзбекистон Фанлар академиясининг бошқарув аппарати фундаментал тадқиқотлари қўллаб-қувватлаш бўлими илмий котиби Михаил Кремков, 2-ўринга Ўрта махсус, касб-хўна таълими маркази бош мутахассиси Қодиржон Юсупов, 3-ўринга

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сон академик лицей жамоаси академик лицейнинг директор ўринбосари Бекжон Адизовга отаси **КҮЧЧИ** отанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



Ўзгиз қўртдошлар!

«**Шарқ**» нашриёт-матбаа

компанияси жамоаси Сизларга
ЭНГ ЭЗГУ ТИПАКЛАР йўллайди.

Хурматли устозлар!

Халқ таълими

вазирлиги ташаббуси

билан ўқитувчилар

учун **Ona tili (6-sinf)**,

Fizika (6-sinf), **Kimyo**

(7-sinf) методик қўлланмалари чоп этилди.

Ушбу китобларни жойлардаги «**Шарқ зиёкори**»

китоблар дўконидан харид қилишингиз мумкин.



Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Akmal
ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), "Учитель Узбекиста-
на", Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-418.
Tiraji 49949.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda

erkin narxda

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA,

Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:

Nasiba ERXONOVA.

Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Uza yuquni — 21.10
Topshirildi — 22.20